



Меҳнатдан обрў топганлар

Оддий иш кунларининг биринчи «Таш-горшайбита» бирлашмасига қарошли тикувчилик цехига ўрта бўйли, соддагина, истараси иссиқ қиз кириб келди. У чакон ишлатган тикувчиларга, улар юргизаётган тикув машиналарига маънавий қаро раб турарди.

— Келинг, синглим, — деди навбатдаги буюртмачи билан суҳбатлашиб бўлгандан сўнг цех бошлиғи. — Ҳўш, хизмат, буюртма бермоқчимисиз?

Қиз уялгандан юзлари лав-лов ёнди. Сўнг эшитилар-эшитилмас шу ерда қоллаш нияти борлигини айтиди...

— Мана бу кўйлакнинг этагини босиб беринг-чи.

У ҳеч иккиламасдан тикув машинаси олдида ўтирди. Айтилган топшириқни эинда бажарди. Цех бошлиғи унинг ишидан мамнун бўлди чоғи, кулимсираб қўйди.

— Ҳажонланганингизни ҳисобга олганда ҳаракатингиз ақшот. Сизни шогирд қилиб оламан. Фақат ўн-ўн беш кун синовада бўласиз...

Орадан бир ойча вақт ўтди. Назира тез кунларда ўзининг бутун имкониятларини ишга солиб, мактабда, уйда муваққил урганган хўнарини кўрсатди. Билмаганларини ўстозидан сўраб ўрганди. Тикувчиликнинг сир-асрорларини мукамал ўқитиб олди. Тиршқоқлик, меҳнатсеварлик, қўбиллати билан цех чеварлари, буюртмачиларнинг ҳурматини қозонди.

Назира Маҳкамова мана 34 йилдирки, шу ерда. Сидқидил меҳнати билан ўз касбини шарафлаб келмоқда.



Мана, Назира Маҳкамова шу йилнинг июль ойи топшириқларини ҳам муддатдан олдин 120 фоиз қилиб бажарди. Пландан 300 сўмлик кўп маҳсулот тайёрлади. Айни вақтда кунилик план-топшириқларини 130—135 фоиз қилиб адо этмоқда.

Уни касбдошлари орасида ажратиб турган ишга меҳр асло сўнмасин, қўллари толмасин бу чеварини!

Д. ОБЛАЕВ.

СУРАТДА: «Гўлно» ательесининг илгор бичиқчиси Н. Маҳкамова. Ҳ. Мирзакаримов сурати.

Инсон омилига эътибор шуми?

Хавфсизликка риоя қилайлик

Тошкент тўқимачилик комбинатининг фабрика ва цехларига ёш ишчи келса, албатта аввало техника хавфсизлиги кўрсатмаларига амал қилиш қайта-қайта таъкидланади. Техника хавфсизлиги журналга нисбатан чекланди. Ишчи муқтали иш бошлади. Техникада ишлатганида техника хавфсизлигига ёш ишчи бор диққати билан ёндошиш лозим. Бирок кўп ҳолларда бунга риоя қилинмайд.

Биргина пардозлаш фабрикасида шу йилнинг олти ойи мобайнида 9 та ҳодиса юз берди. Бу ўтган йилга нисбатан 3 та кам бўлса ҳам барнбир катта рақам. Нима учун бундай ҳодисалар содир бўляпти? Бу нима, лоқайдиллик ёки техника пайд берилмапти? Фабрика техника хавфсизлиги бўйича инженер Т. А. Петенков билан штурман муҳбиримиз суҳбати айнаш шу мавзуда келди:

— Фабрикада техника хавфсизлигини таъминлаш борасида қандай ишлар амалга оширилляпти?

— Аввало ишчиларга шарт-шароит яратиб бериш борасида анча ишлари амалга ошди. Пардозлаш цехидаги КТ—120 маркали совутички ремонт қилиб, ўрнатди. Унинг шарт-шароити билан бу цехда ҳаво анча енгиллашди. Қўл меҳнатини енгиллатишда ҳам силжичилар бор. Ишчиларга икки сандра коржом ва пой-абзад бериши ҳам қилинмади.

— Уша иш кийими ва пойабзаллар асосий касбда ишлатганларга берилмади ёки ҳамма ишчиларгами?

— Йўқ, ҳаммага эмас, фақат асосий касбда ишлатганларга.

— Аёлларнинг айримлари ҳозир оғир шарт-шароитларда меҳнат қилишмоқда. Уларга унумли шарт-шароитлар яратиб берилляптими?

— Бунга иложи борича ҳаракат қилинмади. Сиргалуви график жорий этилиши муносабати билан тунги сменалар қисқартирилди. Медицина пунктида кун бўйи гигиена хонаси аёллар хизматига. Кейинги йиллар аёлларимизнинг оғир меҳнатдан озод қилиш масаласини фабрика билан ҳамкорликда кўриб чиқилди. Жумладан кимёвий эритма тайёрлаш, ҳам сурп ташлаш участкаларидан аёлларни озод қилиб, у ерга эркинликни жалб қилди. Аёлларга таалуқли яна кўп муаммоларимиз бор. Аста-секин уларни ҳам бартараф этамиз.

— Фабрикада ишлаш учун келган ўсмирларга қандай иттибозлар берилляпти? Шарт-шароит етарлими?

— Бизда ҳозир 24 нафар ёш ишчилар турли участкаларда меҳнат қилишляпти. Улар коржом ва ҳимоя воситалари билан тўла таъминланганлар. Бундан ташқари сўт маҳсулотлари бериб турлади. Шароит оғир, лекин биз кўлимиздан келганча уларга имкон яратилмади. — Утган олти ой давомида 9 та салбий ҳо-

диса юз берди. Буларнинг содир бўлишига нима сабаб бўлди!

— Бу ҳодисаларнинг келиб чиқишига асосий сабаб меҳнат ва технология интизомининг пастлиги, белгиланган ишнинг чег ва бўлим раҳбарлари томонидан назорат қилинмаганиги, ишчиларнинг эҳтиётсизлигидир. Уша жараҳат олганларнинг тўрт нафари аёллардир.

Кимёвий ишқорлар ташувчи Қасомов электр қарада белгиланган жойда кўп тушириб бўлган, транспортни қаровсиз қолдирган. Бундан фойдаланган кимё тайёрловчи Рашида Саёфлува электр қарани ўзбошимчалик билан ҳайдаб, уни бетон тўсиққа олиб бориб ўрган. Натияжада оғиб синган.

Тўл босиш цехининг юк ташувчиси Тўлқин Файзуллаев эса таъминот бўлимида сирка кислотасини бочкага бўшатиб, унинг оғзини маҳкам бекитишни унутган. Йўлда келаятиб, автокара бир-икки чайқалган ва пўкка отилиб кетган. У қўлига резина кўпкоп ҳам киймай бочкага қўллари куйган. Шу цехнинг яна бир вакили Мурод Байрамов бригада бошлиғи бўла туриб техника хавфсизлигига риоя қилмаган. Тўл босиш машинасининг айланувчи валлига (ўртаб турганда) кўйини тикиб айлан-тироқчи бўлганда кўл қилиб қолган.

Ювчи участкасининг ишчиси Кларина Турниёзова ювланган газламанни йиртилган жойини тикмоқчи бўлиб машинани тўтатган, бунга ўйинча, талафоти даргани ошмишни унутган. Зичиланб турган бу йўналишини ўзгартириб, ёш ишчининг аъзойи-баданини қаттиқ кўйдирган.

— Сиз иш жойида назорат бўшаптириб юборилган дедингиз. Келтирилган мисолларнингизга қараганда ишчиларда ҳам айб бор эманку.

— Раҳбарларнинг айби кўпроқ деб ҳисоблайман. Турниёзовани оладиган бўлса, маҳсул чикиш майдончаси бўлишига қарамай у бундан фойдаланмаган. Бундан кўриниб турибдики, техника хавфсизлигига риоя қилмаган. Цех бошлиғи ёки мастер бунга қарши бирор иш қилишмаган. Еки Тўлқин Файзуллаев кислот олаётганда эгинда техника хавфсизлигига жавоб берадиган коржомаси бўлмаган. Бунга раҳбарлар биладилар. Лекин эътибор қилишмайди. Бу эса салбий ҳодисаларга олиб келмоқда.

— Улар техника хавфсизлиги машғулотларига наъб этилляптими?

— Ҳа, мастер ва цех бошлиқларини ўқитилмади. Июль ойининг охирида улардан интизом олашди. Шу кунгача 38 нафар электрлик, электр пайвандчилардан 3 киши, лифтичилардан — 3 кишини ўқитди ва интизом олди. Хали олдинда ишлар кўп. Нўқсонларни бартараф этиш анча оғир. Бунда бизга цех бошлиқлари ва мастерлар ердан беришлари лозим.

Шундагина биз корхонамиздаги нуқсонларга тўла бартараф беришимиз мумкин.

Суҳбатни Б. ОРНПОВ олиб борди.

Республика

бўйлаб

© СВЕРДЛОВСК темирўчалари ўзбекистонлик ҳамкасбларига «ёрдам учун раҳмат». — деб телеграмма бердилар. Қўзон ва Андикон темирўчалари, магистралнинг бошқа меҳнатчилари ураллик ўртоқлари билан бирга мамлакатдаги энг катта станциялардан бири — Свердловск — Сортировочний станциясининг кириш қисминини таъмирладилар. Вазифа 28 кунда бажарилиди. аслида планда бу иш учун икки ой ажратилган эди. Зарбдор меҳнатда Андикон кичик станциясининг инженери А. Беков раҳбарлик қилди.

© ҚОНЧИЛАР пойтахтида қуриш кетмоқда. Ангрен қурувчилари Қорабайр посёлкаси аҳолисининг нақазини бажардилар. Бу ерда янги савдо комплекси ишга туширилди. Майдон 200 квадрат метр бўлган залларда тайёр қўйлақлар, газла-малар, атторлик, пойабзал бўлимлари жойлашди. Шаҳар савдо бошқармасининг қўрилтиш участкасининг қўрилтиш мақсуду объектини барпо этди. Энди Қорабайр посёлкасида социал-маданий-манший объектлар бунди комплекси барпо этилди. аҳоли кўпгина нарсаларини харид қилиш учун марказга боришига ҳождат қолмади.

© АЯНЧЛИ июнь воқеалари чоғида цехлари бўшаб қолган Қўқон шойи тўқин фабрикасининг коллективи уч сменали иш режимига ўтиб, қисқа муддатда қолонликни бартараф этишга муваффақ бўлди. Аҳвол бартарафлашуви билан коллектив ташаббусига кўра, шанба ва яшанба ҳам иш кунлари, деб эълон қилинди. Буннинг натижасида буюртмачиларга шартномада белгиланган газла-малар туркуми батамом жўнатилиб, пландан ташқари ҳисоб очилди: программага қўшимча равишда бир неча ўн миң погон метр маҳсулот ишлаб чиқарилди.

(ЎЗАТ).

Суҳбатни Б. ОРНПОВ олиб борди.

Тўла хўжалик ҳисоби: муаммо ва ечимлар

МУҲИМ ВАЗИФА

Утган йилги Бутуниттифок социалистик мусобақаси ғолиблари қаторида шахримиздаги 2-маршрут таксилар автокорхонаси коллективи ҳам бор эди. Бу барча техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича планин ортиғи билан адо этиб келаятган коллектив меҳнатига берилган муносиб баҳо бўлди. Ҳўш, коллектив бу йил ютуқларини мустақамлаётганими!

Бугун шахримиз кўчалари бўйлаб юрганда автокорхона микроавтобусларининг юзлаб йўловчилар манзилини яқин қилаётганининг гувоҳи бўламиз. Ҳозир корхона микроавтобуслари 34 та йўналиш бўйича қатнаб, қўнчилигининг тасанносига сазовор бўляпти. Ҳар кун мавжуд 344 та маршрут таксиларининг 220 таси маҳсул белгиланган йўналишлар бўйича хизмат кўрсатади. Ҳайдовчилар коллективи турли корхона ва муассасаларга — жами 28 та таъминотнинг ишчи ва хизматчиларига плани равишда кўмаклашадилар. Ҳар ойда шахарда ўтказиладиган турли тадбирларга ҳам 15—20 тадан машина ажратилади. 617 нафар ҳайдовчи эса машиналарнинг аъло техник ҳолатда бўлишини таъминлаш билан бирга, аҳолига намунали хизмат кўрсатиш ишга муносиб ҳисса қўшиб келаяптилар.

Дастлабки ярим йилликда автокорхона планда мўлжалланган 2 миллион 356 миң ўринга 2 миллион 449 миң сўмлик даромад фойдага эга бўлди. Бу эса хўжалик ҳисобидаги даромад фонди яратиш плани 103,9 фоизга адо этилди, демокдир. Шу ҳажмдан корхона учун қолган сўм фойда 78 миң сўмин ташкил этади. Барча соҳадаги кўрсаткичлар кўзини қувонтиради.

Лекин мазкур илгорлар коллективда ечимталб муаммолар ҳам талайгина. Корхона юқорида таъкидлаганимизда, Бутуниттифок социалистик мусобақасининг ғолиб коллективларидан. Лекин мавжуд машиналарнинг аъло техник ҳолатини таъминлаш осон бўлма япти. Бугунги кунда ремонт баъзи нихотда ёмон аҳволда. Қўшимча қисмларнинг етишмаслиги ишга анча пайд бер япти. Қолаверса, бугун автокорхона парклари шахарнинг турли бурчларида — Қўйлик, Назарбек, А. Дониш ва Стародубцев кўчаларида, яъни тарқоқ ҳолда жойлашган. Бундай ҳолда таъминот масалаларини кўнглидагидек ҳал қилиш қийин бўляпти. Машиналар учун майдонларнинг торлиги уларнинг техник ҳолатини яқшиллаш ва ремонт ишларини сифатли бажаришга халал бер япти. Турги, корхона учун бу йил Назарбекда алоҳида майдон ажратилиб, бу ерда ўртача 500—600 машина сизагидан парк ҳамда мазмурий бино барпо этиш кўзда тутиляпти. Лекин қурилиш ишларида хали жиддий силжиш юз бераётгани йўқ.

Ҳолбуки бу машиналарни баъзи корхоналарга аразон нарҳларда сотиш имконияти бўлиб туради. Аслида янги шартнома иш юрйтаётган корхона ҳамма ишларни ўзи ҳал қилиши керак. Лекин биз ҳисса қилаётган автокорхона иш жараёнини ҳанузгача юқори ташкилотлар белгилаб беришляпти. Ҳўш, бизнинг мўлжалли жиҳатдан таъминлаш методиди даромад олиш асосий омили саналади. Даромад олиш учун эса барча ички имкониятларини ишга солиш керак. Лекин... Биргина мисол. Корхона даромад фондини яратишда ўзи учун нихотда қўлай бўлган маршрутларни танлаш керак. Бугун бу маршрутларни шахар барча турдаги пассажир транспортлари ишини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш бошқармаси ҳал этади. Ҳозир 8 та маршрут ўзини оқламаётганлиги ва бу ҳол ҳар бир сўм ҳисоб-китоб қилинмаган пайда юз бераётганлиги ташвишли ҳолдир. Бунинг расубликамизда эса ундан тўрт баробар ортиқ — 12 километрни ташкил қилади. Бу масалани иқтисодий томон мўҳим аҳамиятга эга. Бошқа шахарларда бир маршрут ўзининг 4—5 километрик масофасини ўтаб орака қайтади. Бунда машиналарнинг ҳаракат графигага қатъий амал қилинади. Қолаверса, йўловчилар кам бекетларда кўп вақт кўютмайдилар. Бизда эса 3 та микроавтобус ўташи керак бўлган масофани 1 та машина ўтайдую, бунинг учун қисқа масофадагидек 20 тийн ҳам олинмади. Микроавтобусларнинг йўловчилар таъини асосий транспорт турлари билан баъзан бир-бирини такрорлаш ҳоллари ҳам учраб туради. Ҳайдовчилар учун маданий-манший шартлар яратиш муаммоси ҳам ҳал этиб берилиши керак. Ҳайдовчиларнинг моддий рағбатлантиришига ҳам эътибор бериш лозим.

Бутуниттифок социалистик мусобақасининг байроқдорларидан бўлган маршрут таксилар 2-автокорхонаси коллективи бугун иш суръатларини сусайтирмай меҳнат қилишмоқда. Ҳайдовчилар йўловчилар манзилни яқин қилишга, уларга намунали хизмат кўрсатишга астойдил интилоқдалар. Шундай экан, уларнинг наъла умумийроқ, анда самаралироқ меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш бугунги кунда нафақат корхона маъмурияти, партия ва касба союз ташкилотларининг, балки юқори ташкилотларнинг ҳам муҳим вазифасидир.

В. МАДИМАРОВА,


«Тошкент оқшоми» муҳбири.

Шунингдек, корхонага автомашиналарнинг ажратилиш ҳам бу йил биринчи оғир аҳволда. Утган йиллари 50 тадан ажратилган машинанинг сон бу йил 12 тага тушиб қолди. Йил охиригача яна 8 та машина олиш мўлжалланяпти. Ҳолбуки, янги машиналар бугун нихотда зарур.

Корхонада — автомашиналарнинг ТО—1, ТО—2 ремонтлари ўз вақтида қилиб борилаётганлиги қарамай, кўплаб техниканинг эскирганлиги ўз таъсирини кўрсатапти. Коллектив ҳўжалик ҳисобида иш юрйтаётган билан аслида унда ҳақиқий мустиқилик йўқ. Даромад фондининг катта микдори министриликка ўтказилади. Уста ҳар бир ишчи ўзини корхона ҳақиқий эгаси деб ҳис қилишга, экономикаси таъраққиётига эришишдан иборат.

Ҳамшаҳарлар, Сизлар учун

МАГАЗИНДА ТАНДИР НОНИ



қолди. Амал Икромов райондаги 6-оқиқ-оқиқта мағазинига келганлар ҳануз тандирда ёпишган иссиқ нонларни севиб харид этишляпти. — «Фарҳод» бозори атрафидаги уларда ис-тиқомат қилувчилардан дастлабки минатдор, чилик сўзларини аштитганимида нихотда ҳал-жонга тушди, — дейди ноновлар бригадари Фахриддин Аҳмедов. — Улар қўлайлиқдан мамонду. Гарчанд 4 киши бўлсан ҳам кунига 2000 донна нон ёпишга аришляпти. Нонвой А.К. мал Абдурахимов, Умар Нурбоев ва тайёрловчи Роза Аҳмедова алга сизидидан хизмат қилишмоқда. Ҳа, «Меҳнат қилган — алда азиз», — дейди доно халқимиз. Бу бекиз айтилмаган. Ҳозирги кунда мағазини қўшида ишлаб турган янги цехнинг хизмати ҳам аҳолини қувонтирмақда. Янгилик туфайли Амал Икромов район оқиқ-оқиқта идорасига қарашли 36 та мағазинга торт маҳсулотлари анди четдан эмас, балки мана шу цехнинг ўзидан етказиб берилмоқда. Комсо.

Ҳўжалик ҳисобида ишлатган мағазининг янги имкониятларини ўрганиб чиқишга кўп вақт кетмади. Коллективнинг яқдиллиги туфайли ҳаммаинг фирми бир нойдан чиқди: савдо шохобчаси учун қўшимча корпус қуриш керак. Бу районда аҳтимол шахарнинг ўзида қўлланиладиган энг муҳим янгилик бўлди. Турғидан-турғи мағазининг ўзидан шахарнинг дастурхонига илк бор иссиқ нон етказиб беришга аришляпти. Қолаверса, қандайдат маҳсулотлари четдан олинишга йўл қўйилмади. Бу иш янги оқиқатдан цехнинг гарданга тушад.

Мағазини амалга ошириш учун олдинда ҳали кўп ишлар турар эди. Аввалига қўшимча корпуснинг лойиҳа смета ҳўжажатлари ҳойрланди. Сўнг унинг тасдиқлашти билан боғлиқ ишлар бажарилиб, объект пойдоварига асос солини бошланди. Қурувчиларнинг қўймай графичево катъий риоя этишиди. Индиги юксак маъсуля-ят ва илганувчанлиги туфайли яндиндагина аҳо-



мол-ешлар бригадасига бирланган 12 янги-қиз бу ерда тайёрланган 10 дан ортиқ ширинлик билан эа дастурхонини беэамозда. — Янги цехимизнинг буюртмачилари ҳам кўпайиб қолди, — дейди комсомол-ешлар мағазини ишлаб чиқариш бўлими мудари Шукур Фаҳматов. — Эндилкида турди торларга кўплаб буюртмалар тушмоқда. Ҳўш, турган кунини, ҳаётининг яхши кунларини тиниолаш истаги, да юрганларнинг талабини қондираётганимиз, дан ўзимиз ҳам мамнунимиз.

Савдо хизмати маданийтини ошириш юзасидан қилинган бу ишлар кишига фақат кў-нонч бағишляпти.

р. АҲМАДАЛИЕВ.

лига хизмат кўрсата бошлаган тандир цехининг иссиқ нонлари истеъмолчиларга ёриб

СУРАТЛАРДА: ноной Амал Абдурахимов ва тайёрловчи Роза Аҳмедова иш устида; янги корпуснинг ташки қўрилиши; ишлаб чиқариш бўлими мудари Шукур Фаҳматов ширинларга янги топшириқ бермоқда.

Т. Наримов суратлари.

ҲАВО МУСАФФОЛИГИНИ ЎЙЛАБ

© ЛОНДОН. Ҳўкуматнинг беларволиги шуга олиб келдики, ҳозирги вақтда Бри-танья ороллари узра ҳаво нихотда булганниш брита-ниятиқларнинг бешдан бир қисми саломатлигини хавф остига қўймоқда.

«Замин дўслари» ташкилот эълон қилган «саломатлик ва ҳаво булганниш» деган маълумотномада ана шу сўз киритилган.

Маълумотнома таъкидла-нишича, Буюк Британияда ҳаво булганниш Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан белгиланган нормадан доимо юқори бўлади. Айниқса, бу кес-са шдиги кишилар, ёш бола-лар, юрак ва нафас олиш йў-лари касаллиғига қалинган бе-морлар учун нихотда хавфли-дир.

Маълумотнома муаллифлари қўқуматга мурожаат қилиб, ҳаво булганнишининг йўл қўй-лиши мумкин бўлган қаттиқ нормаларини соф ҳаво учун кураш олиб боришга ҳаво бул-ганнишининг мумкин бўлган да-рамасидан сони кетган бўлса, ҳар сафар бонг уришга даъват этдилар.

ПОКИСТОНДА КУЧЛИ ЖАЛА

© НЬЮ-ЙОРК. Тўрт кун давом этган жала ёмиғлар Покистоннинг жанубида 30 дан ортиқ кишининг естиғи-ни қиритди.

Ассоциёттед пресс агент-лигининг хабар беришича, то-шиб кетган дарвэрл кўриқлар-ни, уй ва тўғонлари бузиқ-боржомқа, Табиий офат рай-ониде алоқа ва электр таъми-нони ўзлаган. Қишлоқ ҳўжалик экинзорлари сув остида қол-ган.

Карочи, Ҳайдаробод ва Синд вилоятидаги яқин қишлоқлар-га, айниқса кўп зарар етган. Қарийб 20 миң киши бошла-нисиз қолган. Покистон прези-денти Ғулום Исқохон зарар қўрган районларнинг аҳолиси-га шовилчин ердан беришга қиришилганигини айтиди.

МЭР ҚАМОҚҚА ОЛИНДИ

© НЬЮ-ЙОРК. Америка-да қимор ўйинлари ва кўн-гилхушликлар пойтахти деган ном учун Лас—Вегас билан мусобақалашаётган Ат-лантик-Сити (Нью-Жерси штати) қўрилмаганда шахар-нинг дутрили барча раҳбар-ларидан маҳрум бўлди.

Унинг мэри Жеймс Асри, шахар келгаш президентни ҳамда муниципалитетнинг 13 асосий «эзоси полиция томони-дан қамоққа олиниб, маҳаллий қамқонхонага жўнатишган. «Ша-ҳар ота-ларни» поархурик ва қаллобликда айбланмоқдалар. Атлантик-Сити ҳўқимини вакиллари Биринчи маротаба қамқоққа тушяётгани йўқ. Арси-нинг ўзи ундан аввалги мэри янги қиморхона қўрилиш учун ер участкаларини қонунга хи-лоф равишда сотишда иштирок этиб, қўлга тушганидан сўнг шахар мэри лавозимини эгала-ган эди.

РЕКОРД ВАҚТДА

© ЛОНДОН. Машҳур «Гиннес рекордлар инто-блти» шов-шувларга сабаб бўлган янги ютуқ ёзиб қўйилди.

Америкалик бизнесмен Том Жентри унча катта бўлмаган моторли қайиқда Нью-Йоркдан йўлга чиқиб, соатига тахминан 55 миля ўртача тезлик билан атиги 62 соат 7 ми-нут 47 секундда Ат-лантика океанини кесиб ўтди ва Буюк Британия соҳилидан жануби-ғарбдаги Силли орол-ларидан Бирининг бутчасига келиб тўхтади. Шу тариқа у, 1986 йилда инглиз Ричард Брен-сан ўрнатган Жаҳон рекорддан 18 соатдан кўпроқ вақт ўзиб кетди.

Бутун месофа мобайнида, деб таъкидлади Би-Би-Си теле-компанияси, Атлантика сокин бўлгани кишини ҳайратлен-тирди. Шунинг учун ҳам аме-рикалик рекордчи энг юқори тезликда сузишга муваффақ бўлган.

ПАРИЖДА НАМОЙИШ

© ПАРИЖ. Қарийб 3 миң киши давлат автомобилсоз-лик қилувчи «Рено» дирек-цияси ишдан бўшатилган на-саба союз фаошларнинг «Бўлош-Бийанур ўғлини» гуруппасининг ишга тиклави-шини талаб қилиб, умум-меҳнат конфедерацияси-нинг давлатига бионон Па-рижидagi Пале-рузаль май-донига тўпланди.

Умуммеҳнат конфедерация-сининг секретари Альфонс Ве-ронез йингиланларга муро-жаз қилиб, Франция прези-дентини бебошлиқдан жабр-ланган ишчилар йўлбошчиларига нисбатан адолатини тик-лашга, уларнинг иш жойига қайтарилишига аралашшга даъват этди. Ҳозирги ўн йил-ликда касбаб союзларига қер-ши, айниқса кучли жабр-бул ўтказилди, деб давом эттирди у.

ТАСС.

«Тошкент оқшоми»га жавоб берадилар

«Қачонгача?»

«Ил, оқшотил», рубрикаси остида «Тошкент оқшоми» газетасининг шу йил 2 июн сониде ана шу сарлавҳа билан бир гурупа оқшомхонларнинг шикоятчи босилган эди.

Унга Собир Раҳимов район ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Ш. Шомансуров ишхоси билан куйдаги мазмунда жавоб хати олинди:

— Танқидий мақолада келтирилган фактлар тасдиқланди. Район ободонлаштириш бошқармаси Юнуев кўчасининг 219-мактаб рўбарасидаги автосервис лқинидаги қисмининг асфальтлаш юзаси-дан район йўлларига фойдаланиш бош-қармасига буюртма берди. Бу иш нихот-сига етгач, шу йил 1 августгача у ерга қонтейнер қўйилди.

«Кўриб кўрмасликка олишди»

# «САЛОМАТЛИК» КЛУБИ

Хурматли редакция! Ома бўлиш арафасида аёл ўз саломатлиги учун нималарга эътибор бериши керак? Шу ҳақда мутахассис шифокор маслаҳатини берсангиз.

Умид АХМЕДОВА,  
боғча тарбиячиси.

Она бўлиш ҳар бир аёл учун катта бахт, оила учун чекиз қувонч бағишлайди. Бунинг учун аёл жуда соғлом бўлиши, шифокор маслаҳатини олиб, унга қатъий амал қилиши лозим.

Аёлда ҳомиладорлик даврида токсикоз касалликлари бўлиши мумкин, лекин бола туғилгандан кейин бу касалликлар йўқолиб кетади. Шунинг учун ҳам ҳомиладорлик вақтида учрайдиган касалликлар токсикоз дейилади. Одатда токсикоз касалликлари ҳомиладорликнинг биринчи ярмида бўлиши мумкин: бунда кўнгил айнаши, кўп сулак ажраланиш, қайт қилиш, бош айланishi, баъзан терининг қичishi, экзема топиши каби касалликлар учрайди. Бу ҳолда амбулаторида ёни поликлиникадаги даволаммай, аёл туғуруқхонага ётиб даволанса яхши бўлади. Бунда айнаси, ҳомиладорлик иккинчи ярмида учрайдиган оғир хасталикларнинг олдини олган бўламиз.

Ҳомиладорликнинг иккинчи ярмида учрайдиган касалликлардан бири нефропатия дейилади. Бу хасталикда аввало қон босими ортқ бўлиши билан буйрак, қон айланиш системасида жуда оғир ўзгаришлар сезилади. У кунига 2—3 марта ҳужум қилади. Нефропатия хасталигининг белгилари қуйидагилардир: қон босими ошади, оёқ, қўл ва юзларда шиш пайдо бўлади. Кўзнинг вақти-вақти билан хираланиши, бошинг қаттиқ оғриши ва юқоридаги белгиларнинг ошиши ноҳус хасталикка, тутанок касаллигига олиб келади. Касаллик бошланган вақтда аввало хотин-қизлар консултациясига бориб шифокорга учрашиш керак.

## Мутахассис маслаҳати

## Терининг икки касаллиги

СЕБОРЕЯ — терининг бу касаллиги ёг безлари ишининг бузилиши билан кечади. Бу хасталикда ёг безларидан ажралиб чиқадиган ёг кўпайиб ёки камайиб кетиб, сифати ўзгаради. Кўпинча балогатга етмаган ўсмирларда учрайди. Киши қариганда унинг аломатлари камаяди ёки бутунлай йўқолиб кетади.

Себорея аломатлари асосан юз, бош, кўкракнинг юқори қисми, елкада учрайди. Бу хасталик билан оғирган одамлар териси устиде ичқорий муҳит бўлиб, у йирингли касалликларнинг ривожланишига олиб келади. Бундай беморларнинг юзига ҳусбузар тошди, сочлари сийраклашиб, қатто тўқилиб кетади.

Хасталик мойли ва қуруқ кечади. Мойли себореяда тери ялтираб туради. Тери ёг безларидан кенгайиб кетганидан, бурун атрофидаги тери аперисини пўстига ўшаб қолади. Ана шу кенгайган говакларга ёг, чанг, кир йиғилишдан кулранг тусга киради. Бошдаги сочлар ёғли, ялтирок, баъзи жойларда бир-бирига ёпишган бўлади, тағига қасмоқ йиғилади. Тери қаттиқ қичишади, шу туйғайли бемор қичийверириб, бошини тирнаб юборади. Хатто сизлогич, ширинча ҳам кузатилади.

Себореядан азият чекувчилар аччиқ, ширин, ёғлиқ овқатлардан парhez қилиши, спиртли ичимликлар ичмаслиги керак. Спорт билан шуғулланиш, кўпроқ витаминларга бой овқатларни истеъмол қилиш, демак олиш, сайр қилиш, организмни чинқиртириш зарур. Терининг ҳолатига қараб парварши қилиш зарур бўлса врачга кўриниб, даволаниши керак. Себорея билан оғирган бемор душ қабул қилиши, ёзда дарада қўмилиши айнаси-се фойдали. Овқат таркибидеги ёғ, углеводни чеклаб, кўпроқ оқсилга бой овқатлар биюрилади. Теридаги себорея кўп учрайдиган жойларни кечқурун совунаиб ювиб, эрталаб ийиқ сув билан артиш тавсия этилади. Хусусан чинқиртириш олдини олиш учун юзига кунига 2—3 маҳал хлорид кислотата кўшиб суялтирилган кислота фозили эритма ёки 0,5 фозили нашатир спирти билан артиб туриш керак. Мойли себореяси билан беморлар ҳафтада бир марта олдин исски, сўнгра совуқ су билан ювиши тавсия этилади.

СЕПКИЛ — теридаги сарғич, кўнгир қорамтир, шакли ҳар хил доғлар. Улар соғлом терида пайдо бўлади ва одамни безовта қилмайди. Кўпроқ 4—6 ышли болаларга тушиб, қариганда йўқолиб кетади ёки билинмайдиган бўлиб қолади. Сепкилга мойли кишилар ўзларини мумкин қадар кўш нуридан сақлашлари лозим. Бунинг учун кўчага чиқшидан олдин баданиниг очик ерларига кўшдан селковни «Лун», «Аврора», «Приз», «Любимий», «Зеленочиний», «Молодость», «Крем от загара», «Березовая эмulsion» кеби кремлардан суртиб, устига пушти ранг пудра сепиш керак.

Сепкил доғларини рангсизлантириш учун бир стекан сувга бир неча тилим лимонни солиб тиндириб қўйилад ва эрталаб суртилади, териси нормал ёки ёғлиқ кишилар водород пероксид эритмасидан суртириши тавсия этилади. Сепкил топишига мойли ёшлар ёзда чети кенгайла ва қўлга ёзи қўқоқ кийишлари, соябон туйишлари зарур. Узи билангина ҳар хил кремлар суртиш ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Сепкилни йўқотиш истаги бор кишилар мутахассис шифокорга мурожаат қилишлари керак.

Усмон МИРАХМЕДОВ,  
медицина фанлари доктори,  
профессор.

Айрим ёш аёлларимиз ҳомиладорликнинг биринчи ярмида токсикоз касалликлари «бош қоронғилик» деб ўйлаб, кўнда эътибор беришмайди. Натияжада жуда оғир касалликлар бошланиши мумкин. Аёл бир кунда 6—7 маро-

## Шифокор қабулида

# Она соғлом бўлса...

таба қайт қилса, кўнгил айнаиб овқат емаса, қоннинг миқдори камайиб, анемия — қанқонлик касаллиги келиб чиқади ёки қон босими камайиб кетади. Қон босимининг камайиши ва қанқонлик касаллиги онанинг ўзини таъсир этибгина қолмай, болага ҳам тезда таъсир кўрсатади, натияжада ҳомила ёмон ўсади, бола касалманд ва нимжон туғилади.


Ҳомиладор аёл турли дори-дармонларни шифокор маслаҳати асосида ичши билан бирга, албатта парhezга эътибор бериши керак. Сутли овқатлар: ширгуруч, манний унidan қилинган каша, қатиқ, қаймоқ, қайнатилган гўшти овқатларни истеъмол қилиш айнаи мўдда бўлади. Айрим вақтларда, айнаси қовурилган овқатлар, нори, қани, шўр ва аччиқ овқатлар ейилса қон босими ошиб, бемор оғирлашади.

Нефропатия хасталиги кўпинча организмда витаминлар камайиб кетган вақтда кузатилади. Шуни назарда тутиб, аёл доимо витаминларга бой овқатларни истеъмол қилиши керак. Ҳар кун, қашниқ, қизил сабаи, қарам каби саба-вотларни ўқроп овқатларига қўшиб ейиши жуда яхши бўлади.

Аёл ҳомиладорликнинг биринчи ярмида бир ойда икки-уч марта консултацияга борса, иккинчи ярмида, айнаси нефропатия касаллигига дучор бўлганда 5—6 марта ўз вақтида даволанса ва шифокор маслаҳатлари билан иш кўрса дард осон ўтади. Консултацияга бир ойда 5—6 марта таба келиб қон босимини ўлчатиши ва шифокор қўригидан ўтиши шарт. Шунингдек, аёлларимиз нефропатиянинг иккинчи босқичида албатта туғуруқхонага ётиб даволаниши ва фақат шифокор маслаҳати билан иш тутиши лозим. Агар аёл ўз вақтида даволанмаса, қон босимининг ошиши, буйрак ишининг бузилиши натияжасида турли ноҳус асоратлар келиб чиқади: ҳомила — она-бола, йўлдош қон айланиш системасининг бузилиши натияжасида ҳомила ўлик туғилади, йўлдош барвақт ўз ўриндан кўчиб, ички қон кетиши, кўп қон йўқолиши аёл ҳаёти учун хавфлидир. Агар аёлда ҳомиладорликдан олдин ички касалликлардан бири, айнаси, буйрак, қон босими ошиши бўлса ва ўз вақтида даволанмаган бўлса, ҳомиладорликда учрайдиган барча касалликлар, айнаси нефропатия касаллиги жуда оғир ўтади.

Хар бир ҳомиладор аёл ўз вақтида хотин-қизлар консултациясига келиб, ҳар турли зарур текширишдан ўтиши, то батамом даволангунча уч йил ҳомиладорликдан сақланиши, бу вақтда ички касалликлардан яхши даволаниши лозим.

Санобар ИСМОИЛОВА,  
медицина фанлари доктори, профессор.



Шифокорлар беморларга доим парво бўлиб, уларнинг сыхат-саломатлигини мустахкамлаш учун жон куйдирадилар. Шаҳримиздаги Эндокринология институти шифохонасида шундай сидқидил кишилар ишлашади. СУРАТЛАРДА: институтнинг катта илмий ходими, медицина фанлари номзоди М. Раҳимжонов, диабетология лабораторияси мудири З. Акбаров, ва диабетология бўлимининг

мудри, медицина фанлари номзоди Н. Қосимов бемор қон босими диаграммасини кўзда кечиришмоқда. [Ўзгариш суратда] шу бўлими биринчи даражали тиббиёт ҳамшираси Г. Буланова беморларга хўшмуомалалиги билан танилган. У бу ерда ўн етти йилдан бери ҳалок меҳнат қилиб келмоқда.

Р. Шарипов суратлари.

## Донолар бисотидан Ибн Сино айтиди

Уйқу агар ҳаддан ошиб кетса, мия қоринчаларини хилтлар билан тўлдириб юборади.

Харакат қилмасдан фаровонликда яшайдан ҳам бадан совиқди, бу тўтун қўнайиши билан алаянгани ўчгани кабилар.

Уйқу кўчнн қўзғотади, баданини чинқидилардан тозалайди.

Уйқу доимо ўз вақтида бўлисин.

Болани жуда тўйган ҳолда ухлатмаслик керак.

Ўвқатнинг учун истироҳат вақтини ва шамоллари салқин ерни талаб қилгин. Ва бунинг учун совуқ вақт-

ни мўлжалла ва бу тўғрида доимо шу тадбирни қасд қил.

Ўвқат устига ва ҳаммомдан чиқиш биланок сув ичма.

Ўштарларнинг галлиздан четлан, кўнат ва сутлар томон юзлан.

Вадан доимо ҳаракатда бўлар экан, даъвога эҳтиёж ҳам қолмайди.

Агар таом чексиз лазиз бўлса ҳам,

Кўп емагил, келтиради дарду-ғам.

Фарғонали Мирзашинос МИРЗАШАРИПОВ тай-ёрлаган.

## Билиб қўйган яхши Тиббий атамалар луғати

Ахборот воситаларида, ўзаро сўзлашувда, рисола ва мазбуот саҳифаларида саломатлик билан боғлиқ тиббий атамалар дээрли лотинча ёки русча берилади. Дароқе, ана шундай атамалар ўзбек тилида ҳам ўзининг жуда қиройли ифодасини топади, улар сервилма қирралари билан ажралиб туради. Бугундан эътиборан, тиббий ўзбекча атамаларни бериб борамиз.

Гангрена — қорасон (тирик организмда тўқималар ўлишининг бир шакли).

Косметика — хушрўйлаш, тери пардозига тегишли омил ва тадбирлар.

Краснуха — қизилча, болаларда учрайдиган ўткир юқумли хасталик, у аъзои-баданга

тошма топиши, эса ёки бўйин лимфа безларининг катталашуви билан таърифланадиган вирусли хасталик.

Пулс — томир уриши, юракдан томирларга чиққан қон ҳаракати таъсиринда томир деворларининг тебранishi.

Рахит — минал, аъзонинг умумий касаллиги, моддалар алмасишунинг бузилиши билан суякнинг таркиб топиши ва бир қатор аъзолар ва системалар ишининг анчагина бузилиши билан ўтади.

Сифилис — заҳм, одамда махсус рангсиз микроорганизмлар пайдо қиладиган ва барча аъзо ҳамда тўқималарни шикастлаш билан ўтадиган сунрукли юқумли касаллик.

Маннон НАБИЕВ,  
Ўзбекистон санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институтининг катта илмий ходими.

